

## **Инглиз ва узбек субстанциал бирликларининг грамматик жихатдан ахамияти**

**Хайдарова Дилором Акрамовна, ЖДПИ**

Республикамиз мустақилликка эришгач, чет тилларининг тутган ўрни мислсиз ўсди. Бунинг сабаби юртимизнинг хорижий мамлакатлар билан маданий ва иқтисодий алоқаларининг ривожланиб кетиши ёки, бир сўз билан айтганда, унинг дунёга юз тутиши бўлди. Бундай шароитда ўзбек тили билан ўрганилаётган чет тилини қиёсий ўрганиш муҳим аҳамият касб этади, чунки қиёсий тилшунослик (айниқса чоғиштирма лингвистика) тил ўрганиш методикасининг лингводидактик асосини ташкил этади. У тил ўрганишдаги асосий типик кийинчиликларни интерференция тушунчаси остида очиб беради.

Проф. В.Д.Аракин қиёсий тилшуносликнинг ахамияти хақида батафсил гапириб шундай дейди: «Сопоставительное изучение родного и иностранного языков даёт возможность разрешить следующие методические проблемы: 1) диагностирование фонологических, грамматических и лексических трудностей, с которыми учащийся неизбежно столкнется и которые им придётся преодолевать в процессе овладения неродным языком; 2) отбор языкового и речевого материала с учетом особенностей структуры обоих языков; 3) определение последовательности расположения учебного материала; 4) выбор эффективной системы методических приёмов для объяснения учебного материала; 5) создание рациональных упражнений и научно-обоснованной системы учебников по неродным языкам» [ 1, 259]

Шуни айтиб ўтиш керакки, кейинги ўттиз йил давомида тилларни қиёсий ўрганишга эътибор жуда кучайди. Европа мамлакатларида ва АҚШда тилларнинг қиёслаш марказлари ва проектлари тузилди. Европадаги деярли барча тиллар бир-бирлари билан қиёсланди. Бу ҳаракатларнинг натижаси тил ўрганишни яхшилаш вазифасига хизмат қилди. Бу соҳада катта- катта

асарлар чоп этилди. Республикамиз олимлари ҳам тилларни қиёслашга катта хисса қўшдилар. Профессорлар Ж.Бўронов, Ў.Юсуповлар тилларни қиёслаш учун янги назарияларни ишлаб чиқдилар ва уларнинг шогирдлари бу назариялар асосида ўзбек тилини чет тиллари билан қиёсламоқдалар.

Сўз туркумларига айримлар (Березин Ф.М., Головин Б.Н., Докулил М., Blockh ва бошқалар) сўзларнинг грамматик классификацияси деб қарайдилар ва уларда грамматик категорияларни кўрадилар. Бошқалар (Смирницкий А.И., Степанов Ю.С., Степанова М.Д., Хельбиг Г., ) эса уларни сўзларнинг лексик – грамматик классификацияси деб атайдилар. Бизнингча, иккинчи фикр ҳақиқатга яқин, чунки грамматик маъно сўз негиздан ташқарида ифодаланади, сўз негизи эса лексик маъно англатади. Биринчи фикр тарафдорларига ”Агар сўз туркумлари грамматик категориялар бўлса, унда улардаги лексик абстракт маъно (предметлик, ҳаракат ва бошқа маънолар) қаерда қолади?” деган мантикий савол пайдо бўлади. Наҳотки, сўз туркумларида лексик маъно бўлмаса. Наҳотки, луғат составидаги сўзларнинг барчаси грамматик категориялар бўлса.

Юқорида берилган фактлар шуни кўрсатадики, инглиз грамматистларининг от турлари ҳақидаги фикрлари жуда ҳам турличадир от турларининг сони нолдан 14 тагача боради. Кўринадикки, ўзбек тилшунослари ажратган от турлари нолдан 12 тага етади. Бизнингча иккала тилдаги фикрлар рангбаранглигининг сабаби грамматика ва лексика ўртасидаги алоқага эътибор бермаслик ёки етарли эътибор бермасликдadir.

Инглиз ва ўзбек тиллари бўйича чоп этилган грамматикага оид дарс ва қўлланмаларда от турларининг сони ҳар хил, бу ҳолат хатто бир тил бўйича чоп этилган асарларда ҳам кузатилади. Бундай кескин фарқларнинг сабаби отларни классификация қилиш принципларини ишлаб чиқилмаганлигидадир. Грамматика муаллифлари ё бошқа муаллифларнинг классификациясини механик равишда такрорлайдилар, ёки отларни бирор критерийсиз ўзларичалик турларга бўладилар. Бундай субъективликни йўқ қилиш учун отларни классификация қилиш илмий критерийсини яратиш керак бўлади.

Биз таклиф қилмоқчи бўлган отлар классификацияси лексика билан грамматиканинг ўзаро ҳамкорлигига асосланади. Бунда ҳар бир от тури бирор грамматик белгига эга бўлиши керак. Феъл билан от эга ва кесим вазифасида гапнинг структурал марказини (ядросини) ҳосил қилади ва улар луғат составидаги аксарият сўзларни ташкил қилади.

Сўзларни туркумларга бўлиш қадим замонларда бошланган. Масалан, В.А.Звегинцевнинг айтишига кўра, Платон сўзларни отларга ва феълларга бўлган ва уларни қуйидагича тушинган: «Именами называются слова, о которых что-либо утверждается, т.е. слова, выступающие в качестве подлежащих; глаголы же показывают, что утверждается об именах, и, следовательно являются сказуемыми» [2,10]. Кўринадики, Платон сўз туркумларини гап бўлакларига боғлиқ ҳолда ўрганган. Аристотель ўзининг Поэтика асарида морфологик категорияларни, фонетик бирликларни, синтактик категорияларни сўз туркумларига қориштириб юборади ва қуйидаги сўз туркумларини белгилайди: элемент, бўғин, боғловчи, от, феъл, аъзо, келишик, гап.). У ўзининг “Риторика”сида эса сўзларни учта туркумга – от, феъл ва боғловчиларга – бўлади. Стоиклар феъл, боғловчи, аъзо, атоқли ва турдош отларни, яъни бешта сўз туркумини, белгилаганлар [2, 10-11].

Илгарилари сўз туркумларини аниқлашда кўпчилик олимлар фақатгина битта белгидан (критерийдан) - семантикадан- келиб чиқишган. Инглиз олими Ч.Фриз сўзларнинг позициясидан яъни дистрибуциясидан келиб чиққан.[3, 67-86] Ҳозирги замон тилшнослигида эса сўз туркумларини аниқлаш бир қанча белги асосида аниқланади. Бу белгилар қуйидагилар: семантика, морфологик категориялар, сўз яшаш морфемалари, синтактик вазифа (ўша сўз туркумига кирувчи сўзларнинг нутқда қандай гап бўлаги бўлиб келиши). Ўша сўз туркумини қайси сўз туркумлари билан бирика олиши, яъни валентлиги ) Сўз туркумларини кўпбелгилик асосида аниқлашнинг бирбелгилик асосида аниқлашдан анча устинлиги ва ишонарлилиги лингвистик адабиётларда (Кочергина В.А., Степанова М.А.,

Хелбиг Г ва ҳоказо) етарли ёритилган, шунинг учун бу масала устида тўхташни лозим топмадик.

Айтиш лозимки, юқоридаги критерийларнинг айримларини ёрдамчи сўзларга нисбатан ишлатиб бўлмайди, чунки ёрдамчи сўзлар морфологик категориялар ва сўз яшаш морфемаларига эга эмас. Юқорида тилга олинган бешта критерий Европа ва туркий тиллардаги, шу жумладан инглиз ва ўзбек тилларидаги сўз туркумларини, ўрганишда яхши натижалар беради деган умиддамиз. Қуйида инглиз ва ўзбек тилларидаги отларни таҳлил қилишда ва қиёслашда шу критерийлардан фойдаланамиз.

### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Аракин В. Д. Сравнительная типология английского и русского языков”. -Л.: 1979.
2. Ярцева В. Н. Контрастивная грамматика. - М.: Наука, 1981.
3. Yusupov U.K. Contrastive Linguistics of the English and Uzbek Languages. Tashkent: Akadtmnashr, 2013.